

**FORGIVENESS - A FACTOR OF STABILITY AND PEACE IN UNDERSTANDING
NATIONAL IDENTITY**

Saparova Gulbahar Aitbaevna

Nukus State Pedagogical Institute Philosophy in The Sciences

Dauletbaeva Zhadira

Phd NDPI 2nd Year Undergraduate

ANNOTATION

This article examines the scientific and philosophical views of tolerance as an important factor in understanding national identity. The concept of tolerance is the scientific study of the views of patience, endurance, tolerance and the positive product of the views of man, society and humanity.

Keywords: tolerance, patience, forbearance, patience, tolerance, compassion, interethnic harmony, kindness.

КИРИШ

Бағрикенглик мұаммоси ижтимоий ҳаётда мұхым ва мураккаб масала бўлиб, унинг заминида жамият аъзоларининг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик, барқарорликни таъминлаш каби катта ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва аҳлоқий тушунчалар ётади. Бағрикенглик тушунчаси-бу сабр-тоқатлилик, чидамлилик, бардошлиқ ҳамда инсон, жамият ҳамда инсоният ҳақидаги қарашларнинг ижобий маҳсули ҳисобланади. Айни вақтда диний бағрикенглик миллий ўзликни англашнинг мұхим омили ҳамдир.

Хозирги вақтда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва әлат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшаб келишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, қасб-хунар әгаллаши, анъана ҳамда қадриятларини сақлаш, ривожлантиришлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Бундай эътибор натижасида кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди ва қадр топди.

Инсоният тарихида кишилар орасидаги тенг ҳуқуқлиликнинг бузилишига, ўзаро зиддиятларга сабаб бўлувчи омиллардан бири бу турли дин вакилларининг бошқа динга эътиқод ва амал қилувчиларга диний айирмачилик асосида қараши, ўз динига бўлган тарафкашлик туйғуси, ўзга диндаги кишиларга бошқача назар билан қарашларидир. Мана шундай қарашлар оқибатида бугун дунёning турли давлатларида ҳар хил низо ва қарама- қаршиликлар юзага келаётir. Диний бағрикенглик айнан мана шу ходисаларнинг олдини олишда жуда мұхим саналади.

Зоро, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча халқларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Яъни, «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади». [1]

МАВЗУТА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Мустақиллик йиллари бағрикенглик тушунчаси илм соҳибларини диққатини жалб қилган масалалардан бирига айланди. Шу муносабат билан бағрикенглик ҳамда диний бағрикенглик тушунчаларига бирқанча таърифлар берилди. Жумладан М.Мақсадова ва З.Курбоновалар фикрича, «Бағрикенглик-шахснинг бошқаларга бўлган муносабатини ифодаловчи хислати бўлиб, атрофдагилар билан ўзаро муносабатлар жараёнида намоён бўлади. Бағрикенглик-шахснинг кишиларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ва муносабатларини баҳо беришда ўз аксини топади. Шунингдек, бағрикенглик, нафақат инсонларга, балки табиатга, ерга, буюмларга муносабатларда ҳам намоён бўлади» [2]. Бу таърифда бир миллатнинг бошқа миллатта, табиатга муносабатларининг бағрикенгликда намоён бўлишига урғу берилган. Холбуки, бағрикенгликда бардошлилик, тоқатлилик, ҳамдардлик каби жиҳатлари ҳисобга олинмаган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бағрикенгликнинг жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг ўрни алоҳидалигига бағрикенглик миллатлараро тотувлик ғояси турли халқлар биргаликда истиқомат қиласиган минтақа ва давлатларнинг тараққиётини белгилаб беришдан келиб чиқишига эътибор қаратиб тадқиқотчи Т.Матибоев уни шундай изоҳлайди: «бир жамиятда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат ва эллатларга мансуб кишилар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, шунингдек, хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир Ватанда яшашини қўллаб-кувватлаш шунчаки яхшилиқ, танглиқ, меҳр-шафқат, ўзаро бир-бирини англаш бағрикенглик эмас, бунинг учун нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлиги зарур». [3]

Бағрикенглик тушунчасининг мазмуни кенг ва қўп қиррали бўлганлигидан ҳар бир муаллиф уни изоҳлашда ўзига хос ёндашиб билан бирон бир ғояга урғу беради. Аслида бағрикенгликнинг ижтимоий моҳияти, ривожланиш қонуниятлари халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари ва қадриятлари, маданий ва маънавий мероси, амалий тажрибаси асосида сайқал топган, мустаҳкамланган ижтимоий-фалсафий тушунчадир.

Бағрикенгликнинг ижтимоий-фалсафий асоси-бу цивилизацион тараққиётда унинг қонуниятлари, тамойиллари ҳақидаги ижтимоий-фалсафий билимларни социомаданият сифатида қарор топиши ва ривожланишидир. Шу нуқтаи назардан бағрикенгликнинг ўзаро бир-бирига боғлиқ сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик ҳамда миллий ўзликни англаш компонентларини кўрсатиш мумкин.

«Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили» китобида тўғри ёзилганидек, «Бағрикенглик («толерантлик») сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб «бағрикенглик» чидамлилик, бардошлиқ, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳизматлилик, кечиримлилик, ҳамдардлик, меҳрибонлик каби маъноларга эга дейиш мумкин» [4]. Бу бағрикенгликка берилган таърифга қўшилган ҳолда диний бағрикенгликни алоҳида ажратиш ва тадқиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Демак бағрикенглик тарихий-маданий тараққиёт жараёнида ҳар бир шахснинг ўз-ўзини англаши (шу жумладан, миллий ўзликни англаш ҳам) ва шу асосда ўзгаларга нисбатан муносабати шаклланади. Б.Х.Жалилов, Ш.Х.Тогаевлар «Толерантлик фалсафий категория сифатида» номли мақолада толерантлик дунёқараши ва тафаккури шаклланиши ва намоён бўлиши ҳақида фикр юритиб, унга нисбатан мустақил, лекин бир-бирини тўлдирувчи босқич ёки поғоналарни ажратиб кўрсатган. «Улар умумий тарзда қуидагилар: 1) тан олиш; 2) ҳурмат қилиш ва 3) ҳамкорлик қилиш. Биринчи ва иккинчи босқичлар бевосита шахс дунёқараши ва тафаккурининг ички томонини ифодаласа, учинчи босқич шахс дунёқараши ва тафаккури намоён бўладиган ижтимоий фаолияти ифодасидир. Агар толерантлик биринчи ёки иккинчи босқич билан чекланиб қолса буни пассив толерантлик дейиш мумкин. Учинчи босқичнинг амалга ошиши толерантликни актив фаолият даражасига кўтаради». [5]

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир инсоннинг онги ва тафаккурида шаклланган бағрикенглик тушунчасига қараб, унинг ўз-ўзини ва миллий ўзлигини англаш даражасида намоён бўлади.

Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли муносабатларни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Шу боис сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувлиknни тамиллашда, фуқароларимизда ягона Ватан туйғусини шакллантиришда, юрт истиқболига даҳлдорлик ҳиссини камол топтиришда халқимизнинг бағрикенглик Хислати асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса ўз навбатида юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавиятнинг кенг ривожланишига хизмат қилган.

Аммо, ўз-ўзини англаш ва миллий ўзликни англаш даражаси юқорида келтирилган параметрларнинг шахс томонидан ўзлаштирилганлиги ва амал қилишига қараб баҳоланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Олимларнинг фикрига кўра, бағрикенглик (толерантлик) қиёсий диншунослик нуқтаи назаридан қараганда бир-биридан кескин фарқ қиладиган икки хил тушунчадир. Биринчиси формал толерантлик бўлиб, у бошқа дунёқараашларга нисбатан оддий тоқатлилик, чидамлилик ва унинг эътиқодига қарши курашмасликни билдиради. Иккинчиси эса, ички толерантлик ҳисобланиб, муайян диний эътиқодда, ахлоқий идеалларда мустаҳкам бўлган ҳолда бошқа жаҳон халқларининг миллий, минтақавий ва диний қадриятлари ҳақида кенг тушунчага эга бўлишdir.

Бағрикенглик-бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждан ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик турли туманликдаги

бирлиқдір. Бу фақат маңнавий бурчина әмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий әхтиёж ҳамдір. Бағриенглик тинчликка әришишни мушарраф қылгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига әлтувчиidir.

Бағриенглик энг аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий әрқинликларини тан олиш асосида шаклланган фаял муносабатдір. Ҳар қандай вазиятда ҳам бағриенглик ана шу асосий қадриятларға тажовузларнинг баһонаси бўлиб хизмат қилмайди. Бағриенгликни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим.

Бағриенглик инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм (шу жумладан, маданий плюрализм), демократия, ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир. Бағриенглик ақидабозлиқдан, ҳақиқатни мутлақлаштиришдан воз кечиши англатувчи ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган қоидаларни тасдиқловчи тушунчадир.

Бағриенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига әхтиром билан ҳамоҳанг. У ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон-әътиқодидан воз кечиши ёхуд бошқаларнинг әътиқодига ён беришни англатмайди. У шуни англатадики, ҳар ким ўз әътиқодига амал қилишда әрқиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. У яна шуни англатадики, одамлар ўз табиатига кўра ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши әътирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидирлар. У яна шуни англатадики, бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин әмас.

Миллий ўзликни англашнинг ижтимоий моҳияти диний бағриенглик билан ўзвий боғлиқлиқда ривожланиш қонуниятларига таяниб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари ва қадриятлари, инсоният тўплаган илмий ва маданий мерос, амалий тажрибага асосланади. Бугунги глобаллашув шароитида инсониятнинг нафақат бугунги қуни, балки истиқболига ҳам таҳдид солаётган, хилма-хил заминда юзага келаётган диний-экстремистик ҳаракатларнинг тажавузкорлиги, уни ислом омилидан фойдаланишининг турли кўринишлари фақат мусулмон мамлакатлари халқларига хос таҳдид бўлмасдан, балки жаҳон халқлари учун ҳам ташвишли ҳодисадир. Чунки, улар муайян мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига катта моддий зарар етказиши билан миллий-маданий, диний қадриятларни ҳам оёқости қилмоқдалар, миллий ўзликни англашга жиддий зарар етказмоқдалар.

Жаҳон халқлари янги минг йилликка қадам қўйган ҳозирги даврда мураккаб характер қасб этган ижтимоий-сиёсий, моддий-маңнавий жараёнлар, миллатлараро низолар, диний экстремизм ва терроризм каби одатларга мубтало бўлган пайтда диний бағриенглик билан миллий ўзликни англаш масаласи долзарб аҳамият қасб этиши бежис әмас. Чунки бу низолар заминида миллий-маданий меросга, миллий ва диний қадриятларга беписандлик, ҳаттоқи вайронага айлантириш ҳаракати тобора кучли характер қасб этмоқда. Бағриенглик ва миллий ўзликни англаш жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашининг муҳим омилларидан бири эканлигини әътироф этиб, унга халқаро ташкилотлар ҳам ўз муносабатини билдирган. Жумладан, 1995 йили

Юнесконинг Бош ассамблеясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур Декларацияда таъқидланганидек, «Хозирги дунёда бағрикенглик ўта муҳим аҳамият касб этади. Биз иқтисоднинг глобаллашуви, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши, шаҳарлашув ҳамда ижтимоий тузулмаларнинг янгидан ўзгариши асрида яшамоқдамиз. Хозир ҳар бир минтақа хилмахилдир ва шунинг учун тоқатсизликни ва низоларни кучайтириш дунёning барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Бундай миллий чегирмалар ортига бекиниб бўлмайди, чунки у умумбашарий хусусиятга эгадир». [6]

Тараққиётнинг глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги шароитда динларнинг, айниқса, жаҳон динларида бағрикенглик ва миллий ўзликни англаш масалалари халқлар, давлатлар ўртасидаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашда таъсирчан вазифани ўташи мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса шундан иборатки, биринчидан, бағрикенглик ва миллий ўзликни англаш дунё ҳодисаларга муносабатларда, ўтмиш ва маънавий қадриятларни баҳолашдаги мезонларда, ҳаттоқи турли динлараро муҳим масалаларнинг ечимини топишда ўз ифодасини топади.

Иккинчидан, миллий ўзликни англашнинг ижтимоий моҳияти диний бағрикенглик билан ўзвий боғлиқликда ривожланиш қонуниятларига таяниб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари ва қадриятлари, инсоният тўплаган илмий ва маданий мерос, амалий тажрибага асосланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017, 8-модда.
- 2..М.Маҳсудова, З.Қурбонова. Бағрикенглик – ўзбек халқи миллийлигининг таркибий қисми. “Бағрикенглик – жамият барқарорлигининг асоси” (илмий-амалий анжуман материаллари). - Т.: 2003. – Б.-128.
- 3.Матибоев Т. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликини таъминлашда ижтимоий ҳамкорликнинг ўрни. Конфесиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови (Халқаро конференция материаллари), Тўплам.-Т.: Тошкент ислом университети, 2014.-Б.89.
- 4.Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2007. Б. 8-9.
- 5.Жалилов Б. Тогаев Ш. «Толерантлик фалсафий категория сифатида» Конференциялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти. 2014.-Б.257.
- 6.Бағрикенглик тамойиллари Деклорацияси. // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. Тошкент: Адолат, 2004.- Б.92